

## Тазкия дарслари (219-дарс) Содиклик нажотдир



19:00 / 26.02.2023 2629

يَضَرْهُلْلَادِيَبُعْنْبَهْلَطْنَعْ  
يَلِإِلْجَرَءَاجْ لُوقَيْهْنَعْهُلْلَا  
هْيَلَعْهُلْلَا يَلِصَهْلَلْلَا لُوسَرَ  
سَأَرْلَا رَئَاتِهِدَحَنَلَهْنَمَمَلَسَوْ  
أَمْهَقْفُي أَلَوَهَتْوَصْ يَوَدُعَمْسُي  
نَعْلَهَسَيْهُو أَذِافْ ، أَنَدِيَتَحُلُوقَيْ  
هُلْلَا لُوسَرَلَأَقَفْ مَأْلُسِلَا  
هُسْمَخْ «مَلَسَوْهْيَلَعْهُلْلَا يَلِصَ

«ةَلْيَلْلَا وَمُوْيْلَا يَفِتْأَوْلَصِ  
اَلِإِنْ اَلْ» :لَاقِ ؟اُهْرِيَغْ يَلْعَلْهِ :لَاقِ  
هَلْلَأُلْوُسَرَلْأَقَفِ ، «عَوْطَتْ نَأْ  
مُمَأْيِصَوِ» :مَلَسَوْهْ يَلْعُهَلَلَا يَلْصِ  
؟هُرِيَغْ يَلْعَلْهِ :لَاقِ ، «نَأْضَمَرِ  
هَلْرَكَدَوِ ، «عَوْطَتْ نَأْاَلِإِنْ اَلْ» :لَاقِ  
هْ يَلْعُهَلَلَا يَلْصِهَلْلَأُلْوُسَرِ  
يَلْعَلْهِ :لَاقِ ؛اَكَزَلِاَمَلَسَوِ  
، «عَوْطَتْ نَأْاَلِإِنْ اَلْ» :لَاقِ ؟اُهْرِيَغْ  
لُوقَيْ وَهَوْلُجَرَلِرَبْدَافِ :لَاقِ  
صُقْنَأَلَوْاَدَهِ يَلْعُدِيزَأَلَهَلَلَاوِ  
هْ يَلْعُهَلَلَا يَلْصِهَلْلَأُلْوُسَرَلْأَقِ  
هَاوَرِ . «قَدَصْ نِإِحَلْفَأِ» :مَلَسَوِ  
يَذِمْرَتَلَاَلِإِسْمَخَلَاِ.

Толҳа ибн Убайдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига аҳли  
Нажддан бир одам келди. Унинг соchlари тўзиган, овозининг

ғүлдираётгани эшитилар эди-ю, нима деяётганини фаҳмлаб бўлмас эди. Яқин келган эди, қарасак, у Ислом ҳақида сўраётган экан.

**Бас, Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

«Бир кечаю бир кундузда беш вақт намоз», дедилар.

«Менинг бўйнимда ундан бошқаси ҳам борми?» деди.

«Йўқ. Ўз ихтиёринг бўлса, мустасно, - дедилар. Сўнг Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: - Рамазон рўзасини тутиш», дедилар.

«Менинг бўйнимда ундан бошқаси ҳам борми?» деди.

«Йўқ. Ўз ихтиёринг бўлса, мустасно», дедилар. Ва Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга закотни зикр қилдилар.

«Менинг бўйнимда ундан бошқаси ҳам борми?» деди.

«Йўқ. Ўз ихтиёринг бўлса, мустасно», дедилар. Бас, ўша одам:

«Аллоҳга қасамки, мана шундан зиёда ҳам, кам ҳам қилмайман», дея орқага қайтди.

**Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

«Агар гапида содиқ бўлса, ютди», дедилар».

Бешовларидан фақат Термизий ривоят қилмаган.

لَيْضَرِّي لَعْنَبْرَسَحْلَانَعْ  
لَلَوْسَرْتُعْمَسْلَاقَأْمُونَعْ  
لُوقَيْمَلَسَوْهْيَلَعْلَالَىلَصْ  
كُبَيْرُي الْأَمَلِكُبَيْرُي الْعَدَدْ  
بْذَكْلَاوْهَنِيْنَمُطَقَّدَصَلَانِفْ

# نْبَاوْدِمْحَأْوُيْذِمْرَتْلُهْأَوْرِ.» َبِرِّ

نَابُح

Ҳасан ибн Али розияллоҳу анхумодан ривоят қилинади:

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Сени шакка солган нарсани қўйиб, шакка солмаган нарсага ўт. Албатта, содиқлик хотиржамлиқдир. Албатта, кazzоблик шубҳадир», деганларини эшийтдим».**

*Термизий, Аҳмад ва Ибн Ҳиббон ривоят қилишган.*

Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу айтадилар:

«Кимнинг одамларга уч нарсаси бўлса, одамларга унинг ҳақида уч нарса лозим бўлади. Ким уларга гапнинг содиғини айтса, омонат қўйсалар, хиёнат қилмаса ва ваъда берса, вафо қилса, уларга уни қалблари илиа севиш, тиллари илиа мақташ ва ёрдамларини аямаслик лозим бўлади» («Одобуш шаръийя», 29-бет).

Абдулвоҳид ибн Зайд:

«Сидқ Аллоҳга амал илиа вафо қилишдир», деган.

Иброҳим ал-Хаввос:

«Содиқнинг фақат фарзни адo этаётганини ва фазлга амал қилаётганини кўрасан», деган.

Жунайд раҳматуллоҳи алайҳи:

«Сидқнинг ҳақиқати ёлғондан бошқа нажот бермайдиган ерда рост гапиришдадир», деган.

**Сидқнинг фойдаларидан:**

1. Сидқ аброрларнинг жаннатга борадиган йўлидир.
2. Содиқлар Аллоҳнинг муқарраб аҳбоблариdir.

3. Содиқларни одамлар яхши кўрадилар, уларга ишонадилар ва омонатларини топширадилар.
4. Содиқларнинг жамиятда иззати бўлади.
5. Содиқлик амалларни кўтаради ва шаънини улуғлайди.
6. Содиқлик қувватнинг аломатидир.
7. Содиқлик ўзига ишончнинг белгисидир.
8. Содиқлик нажотдир.
9. Содиқлар набийлар, шаҳидлар ва солиҳлар билан бирга тириладилар.

**«Руҳий тарбия» китоби асосида тайёрланди**